ЯЙЛОВДА БАҲОР...

Н. Ключнев фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ФАН ВА ҲАЁТ

ТОШКЕНТ НАВЛАРИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ўсимликлар экспериментал биологияси илмий-тадқиқот институтининг ғўза вилтига қарши кураш генетикаси лабораторияси ходимлари ғўзанинг янги, ирсий жиҳатдан вилтга чидамли, тезпишар ҳамда серҳосил «Тошкент-1», «Тошкент-2», «Тошкент-3» навларини яратишга муваффақ бўлдилар.

Олиб борилган кузатишлар натижаси шуни кўрсатдики, «Тошкент-1», «Тошкент-2», «Тошкент-3» навлари 1-5 процент вилт билан зарарланса, стандарт навлар эса 80-100 процент ўртасида касалланар экан. Ҳосилдорлик эса стандарт навларда 20-27 центнерни ташкил этса, Тошкент — 1, 2, 3 навлари экиб кўрилганда 35-40 центнердан, ҳатто баъзи хўжаликларда ундан ҳам ортиқ ҳосил олиш мумкинлиги аниқланди. Айни вақтда янги навлар 5-7 кун олдин пишади. Тошкент навларининг афзалликларидан яна бири, уруғининг чиримаслигидир. Бу эса ана шу навларни экказ хўжаликларга катта иқтисодий фойда келтиради.

Бу йил республикамизнинг вилт билан кучли зарарланган барча пахта майдонларининг қарийб 10 минг гектарида мазкур янги навлар экилиши кўзда тутилмоқда. Ўйлаймизки, бу навлар яқин йиллар ичида республикамизнинг пахтачилик соҳасида шон-шавкатини янада оширади, пахтакорларимизнинг вилт касаллигига қарши курашдаги меҳнатини бирмунча енгиллаштиради.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган XVII пленуми ғўзанинг вилт касаллиги билан кураш соҳасида илмий-тадқиқотларни кескин суръатда кучайтириш зарур эканлигини кўрсатиб, илмий-тадқиқот муассасаларининг эътиборини шунга жалб этди. Бу вазифани ҳал этиш пахтачилик соҳасида тадқиқот ишлари олиб бораётган республикадаги бошқа илмий муассасалар қатори институтимиз коллективининг ҳам жонажон иши бўлиб қолади, албатта.

Н. ФАҚИРОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг илмий ходими.

ЧОРВАМИЗ — БОЙЛИГИМИЗ

ҚИШЛОВ ЯКУНЛАНМОҚДА

Қишлов — чорвадор учун синов, дейишади. Ҳақ гап бу. Қишга пухта тайёргарлик билан келган, кўп пичан, беда, силос, сомон ва бошқа ўт-ўлан тўплаган, молларнинг юқори семизликда бўлишини таъминлаган чорвадор қишки имтиҳондан муваффақиятли ўтади. Чиқимга йўл қўймайди, туёқ сони ва маҳсулот миқдорини кўпайтириш, сорти ҳамда сифатини яхшилашга мустаҳкам замин яратади.

Андижон областида қишловни намунали ўтказаётган бундай чорвадорлар оз эмас. Мисол учун, Андижон районидаги Охунбобоев номли колхозни олайлик. Колхозда моллар ва қўйларни қишдан тўқ, семиз чиқариш учун нимаики зарур бўлса, ҳаммаси амалга оширилаяпти. Қорамоллар ва қўйларнинг ҳаммаси иссиқ молхоналар, қўйхоналар ва усти ёпиқ бостирмаларда сақланмоқда. Колхозда чорва моллар учун етарли миқдорда ем-хашак бор. Бултур кузда 2020 тонна силос, 850 тонна хашак жамғариб қўйилган эди. Бугунгача хашакнинг ярмидан кўпроғи сарфланди. Қолгани қишдан чиқиш учун етиб ортади. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти ҳар бир ферма ва отарга туёқ сонини ҳисобга олиб норма белгилаб чиқдилар.

Чорвадорлар ва уларнинг оила аъзолари иссиқ кийимлар билан таъминланган. Маданий-маиший хизмат кўрсатиш ҳар қачонгидан яхшиланди. Яхши шароит чорвадорларни меҳнатда янги ғалабаларга руҳлантиряпти. Колхозда гўшт топшириш бўйича юбилей йили плани ортиғи билан бажарилди. Сут тайёрлаш тўрт ойлик плани В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигигача тўлади. Қўзилатиш мавсуми бошланди. Ҳозиргача 400 дан зиёд қўзи олинди.

Ленин районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Правда востока» колхозининг чорвадорлари ҳам қишловни кўнгилдагидек ўтказмоқдалар. Бу йирик хўжаликда чорвачилик фойда келтирадиган тармоққа айланган. Кейинги икки йил ичида чорвачиликдан олинган фойда 110 минг сўмни ташкил этади. Колхозда моллар ва қўйлар сони, улардан олинаётган маҳсулот миқдори йил сайин кўпаймоқда. Маҳсулот таннархи арзонлашяпти.

Бу хўжаликда ем-хашак тайёрлаш изга солинди. Фермаларда ҳисоб-китоб ишлари яхши йўлга қўйилди. Ҳар ойда чорвачиликка кетган сарф-харажат, олинган маҳсулот текширишдан ўтказиб турилади. Чорвачилик мутахассислари ва колхоз раҳбарлари ўз ишларини бевосита фермаларга кўчирдилар. Коммунист ва комсомоллар бу ишга бош-қош бўлиб туришибди. Бундан ташқари, ҳар бир отарга қўшимча ишчи кучи ажратилди.

Хўжаобод районидаги «Ленинград», Бўз районидаги «Партия XX съезди», Қўрғонтепа районидаги Навоий номли колхозлар ва Избоскан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозининг чорвадорлари ҳам қишловни яхши ўтказиш, совлиқларнинг нобуд бўлиш ёки касалланишига йўл қўймаслик учун курашмоқдалар.

Область бўйича олганда чорвачиликнинг аҳволи дуруст. Аввалги йиллардагига нисбатан анча ўсиш бор. Областда яқин-яқингача ҳам чорвачилик оқсоқ соҳа ҳисобланар эди. Гўшт етиштириш плани сурункасига бажарилмасди. Область партия комитети, область ижроия комитети ва қишлоқ хўжалик органлари чорвачиликка эътиборни кучайтирдилар.

Андижон чорвадорлари ҳар йили ёзни Олой, Совет массивларида ўтказадилар. Лекин бу яйловларда чорвадорлар учун қулай шароит яратилмас эди. Бултур биринчи марта область раҳбарлари иштирокида яйловда катта йиғилиш ўтказилди. Йиғилишда кўрилган масала юзасидан қарор қабул қилинди. Бу қарор изчиллик билан амалга оширилаяпти.

Областимиз чорвадорлари бу йилги қишловга яхши тайёргарлик кўрдилар. Ўтган қишловда айрим хўжаликлар жамғарилган ем-хашакдан тежаб-тергаб фойдаланмаган эдилар. Исрофгарчиликка йўл қўйилганди. Бундай аҳвол кўпроқ Избоскан районидаги «Комсомол», Калинин номли, Бўз районидаги «Ленинчи», Балиқчи районидаги «Коммунизм» колхозларида юз берганди. Бу хўжаликларда чорва молларнинг 8-10 проценти нобуд бўлди. Бу йил ана шу камчиликлар такрорланмади.

Шунга қарамасдан ишимизда камчиликлар кўп. Областдаги қатор хўжаликларда чорва моллар туёқ сонини кўпайтириш соҳасидаги ишлар талаб даражасида эмас. Область бўйича ҳар юз бош сигирдан 63 тадан бузоқ олинаётганини нормал ҳол деб бўлмайди. Ҳар юз сигирдан 40-50 та бузоқ, ҳар юз бош совлиқдан 55-70 тадан қўзи олаётган хўжаликлар ҳам бор.

Қиш давридаги муҳим вазифалардан бири — сут олишни бутун чоралар билан кўпайтиришдир. Андижон районидаги «Тошкент», Балиқчи районидаги «Москва», «Коммунизм», Ленин районидаги «Ўзбекистон» каби ўнлаб колхозларда сут етиштириш кўпайиш ўрнига камайиб бораётгани ачинарли ҳолдир. Сутнинг бунчалик камайиб кетишига асосий сабаб, бу хўжаликларда ҳисоб-китоб ишлари издан чиқиб кетганидир. Ҳар бир хўжаликда сутнинг ёғлилик даражасини аниқлайдиган лаборатория бор. Лекин кўп колхозларда бу лабораториялар ишламайди.

Чорва моллар сонининг кўпайиши ва маҳсулдорлигининг ошиши қишловни намунали ўтказишга боғлиқдир. Район қишлоқ хўжалик бошқармалари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, чорвачилик мутахассислари бунга алоҳида эътибор беришлари, ҳамма фермаларда ишни яхши ташкил этишлари керак.

Ш. ЙУЛЧИЕВ,
Андижон область қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

МЕРОС

ОЧЕРК

ЗАНГ қишлоғига шом палла кириб келган яп-янги газик идора олдида тўхтади. Эшик очилиб, ўрта бўй, кенг яғринли, ҳаворанг галифе шим ва кители миқти гавдасига ёпишиб турган, қора кўз киши тушди. Эгнидаги чангни қоқиб, ичкарига кирди. Коридор, хоналар сув қуйгандай жимжит. «Раис», «Парторг», «Бош агроном» деб ёзилган эшиклар қулфлоғлиқ. «Ҳисобчилар» хонасига бош суқиб қаради. Дераза олдидаги стулда остига чопонини қатлаб қўйиб, бўйни ингичка, ориқ, ўн икки-ўн уч ёшлардаги бола оёғи полга тегмай ўтирарди. Олдида катта дафтар, қўлида қалам, чап ёнида счёт. Шарпани сезиб, бошини эшикка ўгирди. Кичик кўзларини милтиратиб бегонага тикилди. Стулдан чаққон сакраб тушди:

— Келинг амаки, салом.

— Ваалайкум, — эшикдан кирган киши стулга ҳорғин чўкиб, бошидан шапкасини олди. Калта бармоқлари билан қора сочини, қулоқларининг орқасини силади. — Ҳа, жиян, нима қилиб ўтирибсан, дарс тайёрлаяпсанми?

— Йўқ, ҳисоб-китоб қиляпман.

— Ҳа, арифметиками? Ҳисобчиларга масала олиб келдингми, ечдирганиі?

— Йўқ. Бригадаларнинг ишларини ўлчаяпман.

— Отанг сенга ташлаб кетдими?

— Отам йўқ.

— Кимнинг ўғлисан, ўзинг?

— Бозор Махсумовни.

— Қайси Махсумов? Мол дўхтирими?

— Ҳа.

— Ана бу учрашувни қара-я. Отанг раҳматлик билан қалин дўст эдик. Бирга ишлашганмиз... Сен нима қилиб ўтирибсан, бу ерда, ёлғиз?

— Бош табелчиман.

— А, ҳали шундоқ дегин, — у синовчан кўзлари билан боланинг оёғидаги брезент туфлига, эгнидаги тринка шим-костюмга, бошидаги пўпакли қалпоққа тикилди. — Мени танидингми?

Бола йўқ, дегандай индамай тикилиб турди.

— Алибоевман, раисполком раиси. Исминг нима?

— Қулмурот, — деди бола шимини кўтариб.

— Онанг, укаларинг тинчми, қийналишмаяптими?

— Йўқ.

— Балли. Ишлайвер. Бирор нарсага муҳтож бўлсанг, қийналсанг менга телефон қил. Ўқияпсанми?

— Йўқ.

— Чатоқ-ку. Нега ташладинг ўқишни? — меҳрибонлик билан сўради Алибоев.

Қулмуротнинг ўпкаси тўлиб, кўзига ёш қалқиб чиқди. Юзини тескари ўгириб, ютинди. Қандоқ айтсин ўқишни ташлаганини?

1941 йил. Ёз. Олти ёшли Қулмурот боғ тўрида сап-сариқ қанотида иккита қизил холи бор капалакни қувлаб юрган эди. Онаси чақирди.

— Қулмурот, Қулмурот-у!

Капалак учиб кетди. Шу кун Қулмуротнинг капалакдек беозор болалиги ҳам учиб кетди.

— Ҳа, лаббай — у онасининг олдига югуриб борди.

— Баққа ке, болам. Отанг билан хайрлаш.

Отаси тер ҳиди келиб турган бағрига босиб, унинг пешача-юзларидан тўйиб-тўйиб ўпди. Сўнг бир ёшли Қулмирзанинг бурнига бармоғини босиб:

— Дада, дада, дегин, — деди. Бола қўллари билан унга талпиниб чинқирди. — Кичкинтойим, мен кетяпман.

— Ойсоат, ичим ёниб кетяпти. Сув бер.

Ойсоатой ташновда устига ҳўл дока ёпиб қўйилган сопол кўзадан заранг косани тўлдириб келди. Бозор бир кўтариб, сипқорди.

Идора олдида тумонат одам. Отаси халтасини аравага ортди. Уч арава, ўнлаб велосипедлар районга равона бўлди. Ойсоатой чап қўлида Қулмирза, олдида Қулмурот, кўзда ҳижрон ёши билан чанг орасида йўлга афтодаҳол тикилиб қолди:

— Ой бор-иб, омон келинг.

—Бардош қил, хотин. Кўпга келган тўй экан. Болаларни эҳтиёт қил. Ўзинг ҳам кўп куйинаверма беҳудага.

Ота кетди. На мол-дунё, на кумуш танга қолдирди ўғилларига. Васият ҳам қилолмади. Лекин у жуда катта, бебаҳо мерос қолдириб кетди. У авлод-аждодларнинг пойқадами теккан шу она юртни, унда меҳнат қилиш бахтини, ўтмишдошларнинг муқаддас хоки турган, келажак авлодларни ҳам боқадиган тупроқни мерос қолдириб кетди. Деҳқон касбига меҳрни қолдириб кетди.

ОЙСОАТОЙ колхозда ишлади, болаларим деб югуриб-елди. Эрига туршак, майиз юбориб турди. 1943 йилда охирги хати келди. Унинг изидан «қора хат» олди. Ёлғиз бошига шунча ташвиш. Бунинг устига жудолик. Чидолмай, саркаш сочлари ёйилиб, жигари хун бўлиб ётиб қолди. Қулмурот мадори қочган онасига суянчиқ бўлиб, далага борар, ўтоқ қилар, маккажўхори кўрир, мола босар. Майдачилик ҳам қилди. Тўртинчини битириб, табелчи бўлди. Мана, ҳозир бош табелчи. Буларни бу меҳрибон кишига қандай айтсин?

БОЛАнинг кўзларига қараб кўнгли эзилган Алибоев тасалли берди:

— Қўй, йиғлама, ўғлим. Ҳали ўқийсан ҳам. Турмушинг ҳам яхши бўлиб кетади.

Қулмурот уни кузатиб қўйди. Қалбида кичик бир умид учқуни йилтиллади: «Ўқийсан. Бу кунлар унут бўлиб кетади». Одам яхши сўзнинг шайдоси, дейдилар. Бола шу тасаллига жуда муҳтож эди.

Орадан ҳафта ўтгач раис Маматқул ака Азизов уни кабинетига чақиртирди:

— Салом, раис бово.

— Ҳа, кел. Сени ўқишга юбормоқчимиз. На дейсан?

— Розиман.

— Бор, йўлга ҳозирлан.

Қулмурот техникумни, тўнг Термиз ўқитувчилар институтини битирди. Қишлоғидаги Ломоносов номли мактабда кимё, табиатшуносликдан дарс берди. Ангор колхозлараро қурилиш ташкилотига бошлиқ, район матлубот жамиятига раис бўлиб ишлади. Шу пайт у Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг агрономия факультетида сиртдан ўқирди.

Бу ишлар уни қониқтирмади. Колхозга бораман, деб ариза берди. Раисга муовин қилиб тайинлашди.

Маматқул ака 1961 йилда пенсияга чиқди. Лекин у Социалистик Меҳнат Қаҳрамонига хос шон-шуҳрат билан истеъфога кетмоқчи эди. «Ҳамма планлар бажарилганда кетаман» деб, 1963 йилда қайтиб келиб, яна раис бўлди. Ўша йил планлар бажарилмади-ю колхоз яна оқсаб қолди. Бундан ортиғини қила олишига кўзи етмаган раис:

— Фақат уддабурролик, тажрибанинг ўзи етмас экан. Билим, ёшлик ғайрати даркор экан, — деб умрининг қаймоғи — йигитлик йиллари ўтган хонадан хомуш чиқиб кетди.

1964 ЙИЛ. 30 декабрь. Шу куни 3600 аҳолиси бор, яйловлари Шеробод чўлларига туташ, пахтазор, боғларини кўз илғамас «Қизил юлдуз» колхозига йигирма етти ёшли Қулмурот «раис бово» бўлиб қолди. Елкасига катта хўжаликнинг ташвиш ва қувончлари, муаммолари тушди.

Идорада ўтириб, ҳужжатларни кўрди: Колхоз хўжалик йилини зарар билан якунлаган. Ҳатто асосий тармоқ пахтачиликдан ҳам фойда ололмаган. 500 минг сўм боқиманда бор. Колхозчиларга ҳақ ёзиб қўйилган-у, беришга пул йўқ. Шу сабабли ферма мудири Эшмуродов:

— Колхоз ўтириб қолган. Бола эплолмайдиёв, — деди. — Хўжалик қарз ботқоғига баттар чўкиб кетади. Боши ғалвадан бўшамайди.

Чиндан ҳам Қулмуротга қийин бўлди. Колхозчиларни ариқ қазиш, ер текислашга чиқинглар, деса:

— Олдин пул бер, ҳақимизни чўзиб қўй. Қуруқ қошиқ оғиз йиртади, — дейишди.

Қулмуротноилож уйга қайтди. Унга алам қилди: «Олдинги раиснинг бетига тик қараб, ҳеч ким бундай ҳақ талаб қилмаган. Савлати, шон-шуҳрати босганми? Мени писанд қилишмаяпти. Лекин колхозчилар ҳақ. Бекорга мушук офтобга чиқмайди. Юрагида тугиб юргандан кўра, аччиқ бўлса ҳам бетга айтишгани маъқул. Газак олиб кетмайди».

Хотини Ҳалима уй йиғиштираётган экан. Чой дамлаб келиб, эрининг авзойига разм солди:

— Хафароқ кўринасиз, Нима гап?

— Тинчлик.

Қулмурот эртаси куни Ангорга бориб, баҳорда топшириладиган жун, қоракўл тери эвазига район тайёрлаш идорасидан 20 минг сўм қарз кўтариб келди. Ҳазиначи канал бошига чиқиб ўтирди. Яхши ишлаган эркакларга ҳар куни 20 сўм, аёлларга 15 сўм, ўқувчиларга 10 сўмдан бера бошлади. Колхоз районда биринчи бўлиб ариқ, каналларини тозалаб, равон қилиб олди. Маҳаллий ўғитни ҳам ташитди.

Шу йил 870 гектарнинг ҳаммасига ипак пахта чигити экилди. 19,6 центнердан ҳосил олинди. Ҳосилдорлик бир йилда гектар бошига 5 центнер ошди. 1 миллион 636 минг сўм даромад қилинди. Колхозчиларнинг ҳақи ҳам, ташкилотлардан олинган қарзлар ҳам узилди. Счётга 500 минг сўм пул тушди. Айрим кишилар бунга шубҳа билан қарашди:

— Об-ҳаво яхши келди-да.

— Бузоқнинг чопгани сомонхонагача.

Рўзғор — ғор. Унинг минг бир оғзи бор. Агар пухта ўйлаб иш қилинмаса, бошқа бир соҳанинг зарари, фойдани «кемириб» кетаверади. Бу масалани кўпчилик бўлиб ҳамжиҳатликда ҳал қилса бўлади. Тажрибали, олий маълумотли агроном — Абдиалим Матиев маккажўхоричилик бригадасига, агроном Тоғай Хидиров бедачилик бригадасига, агроном Раҳмонқул Тожиев магазин мудирлигига Ленин орденли бригадир Эргаш Матиев ғаллазорга қоровул бўлиб кетган эди. Уларни чақириб, маслаҳатлашиб, яна пахтачилик бригадаларига бошлиқ қилиб қўйди. Фермаларга ҳам мутахассислар юборилди.

— Бу йигитлар билан ака-укадек бўлиб кетдик. Лаганбардорлик қилиб ошиғимизни оширишмайди, кек сақлаб, орқаворотдан заҳар сочишмайди, очиғини бетга рўй-рост айтишади. Ишимиз юришиб кетди. «Ўғлим тенги-ю, менга ақл ўргатади» деб ичида ижирғаниб юрган бир-икки тажрибалилар кетишди. Майли, — дейди Қулмурот, — билим, истак, ишга меҳр бўлса тажриба топиладиган нарса...

Колхозчиларнинг ишончини ошириш, тажрибакор эски раисларнинг маломатларидан қутулиш учун деҳқончилик маданиятини юксалтириш, меҳнатни илмий асосда уюштириш, ҳар қандай шароитда ҳам мўл ҳосил етиштириш тадбирларини излаш керак эди. 1-, 5-, 6-, 8- 9-, 10- бригадаларда ер ости суви ер сатҳига 04-07 метр яқинлашиб қолган эди. 1 гектар ерга 7-9 метр зовур ва дренаж тўғри келарди. Аниқки, бу ҳолда ҳосил камайиб кетаверади. Мелиорация ишларига 170 минг сўм ажратилди. Давлат кучли машиналар берди. Зовурлар тармоғи кенгайтирилиб, 1 гектар пахтазор учун 30-31 метрга етказилди. 16 километр узунликдаги ариқларга бетон ётқизилди. Ерларни текислаш, мелиорация ишларига 675 минг сўм капитал маблағ сарфланди.

Агротехникадаги янгиликлардан кенг фойдаланилди. Ҳозир ҳамма майдонларга ипак пахтанинг «Иолатан — 5904-И» нав уруғи экиляпти. Термиз шароитига мос. Илгари пайкалларга чигит суви бериларди. Эгатнинг боши ё охирида кўсаклар ғуж бўлиб, дала ўртасида ўсимлик сийрак бўлиб қоларди. Кейинги 4-5 йилдан буён экиш олдидан запас сув бериляпти. Ер етилар-етилмас борона юритилиб, чигит экиляпти. Картанинг ҳамма жойида кўчатлар бехато, бир текис уняпти.

Қаҳрабо кислотаси ҳам серфазилат экан. Колхозда 1967 йилдан бошлаб кислота билан дориланган чигит экиляпти. Бу чигит оддий уруғдан 2-3 кун олдин униб чиқади. Бақувват, соғлом ўсади. Ҳосили 5-7 кун олдин пишиб, очилади. Кўсаклари бўлиқ. Ҳосил 3-5 центнер кўп бўлади.

—Гербицидларни ҳам ишлатяпмиз,—деди Қулмурот. — Дастлабки йил 80 грамм ўрнига 200 грамм тушган экан. Икки-уч гектар ерда ўсимлик ўсмади. Қўшни колхозлар экишмади. «Бу гербициднинг эмас, бизнинг айбимиз» дедим. Ҳозир ўтоқ, ўт юлишдан қутулдик.

Бу тадбирлар қандай натижа берганини қуйидаги рақамлар равшан кўрсатади: ҳар гектар ердан 1964 йилда 14,6 центнер ҳосил олинган бўлса, 1965 йилда 21,4 центнер, 1966 йилда 25,4 центнер, 1967 йилда 29,7 центнер, 1969 йилда 33,4 центнердан ипак пахта олинди. Пул даромади 3,7 баравар кўпайди. Колхоз қишлоғининг обод, турмушнинг фаровонлигини айтиб ўтирмаймиз. Бундан 7-8 йил аввал «Советобод», «Комсомолобод» совхозларига кўчиб кетган ўнлаб колхозчилар правлениега ариза бериб, Зангга кўч-кўмонини кўтариб келаётганини айтиш кифоя.

Колхозчиларнинг ташаббус кўрсатиши учун ҳам катта имкониятлар очилди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Аҳмад ота Олламуротов, Олламурот Сафаров (звено бошлиғи), Холмурот Сафаров, Жума Қурбоновлар нарядсиз ишлайдиган звено тузишди. 40 гектар ер олишди. Улар уч йилдан буён бир колхозчи ҳисобига 32 тоннадан ипак пахта етиштиришяпти. Ўтган йили ипак пахтанинг 91 процентини машиналар билан теришди.

Сувчи — энг қадимий, шарафли касб. Ота-боболаримиз, мироб — отангдан улуғ, дейишган. Лекин қишлоқдаги кўпчилик ёшлар бу касбни ўрганмаяпти. Колхоздаги сувчиларнинг 97 проценти қирқ ёшдан ошган кишилар. Колхозда иш стажи, сифатига қараб «уста сувчи» унвонлари таъсис этилди. Биринчи класс сувчи 10 процент, уста сувчи 20 процент қўшимча ҳақ олади. Ҳозир кўп йигит-қизлар бу касбни ўрганишяпти...

ЯҚИНДА Қулмурот уйига қайтди. Ўғил-қизлари — Зулайхо, Баҳодир, Нодира, Фахриддин, Гулистон унинг бўйнига осилиб, эркаланишди. Соғиниб қолишган экан. Ҳа, Қулмурот уйида икки ой бўлмади. Колхозчиларнинг Бутуниттифоқ учинчи съездида қатнашди. Москвадан қайтиб, Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик экономикаси институтида бўлди. «Ипак пахта экадиган колхозларда ички хўжалик ҳисобини жорий этиш ва такомиллаштириш» деган темада ёзаётган диссертациясига ҳужжатлар тайёрлади. У ҳам болаларини соғиниб қолган экан. Эркалаб, бир-бир пешанасидан ўпди. Ўғлининг қўлидан ушлади.

— Баҳодир, юр ўғлим, далаларни айланиб, меросни кўриб келайлик.

— Мерос нима ота? — сўради ўғли.

— Ўша ёқда айтаман, юр.

Ота-бола Занг ариғи ёқасидан қўл ушлашиб боришяпти. Қуёш чарақлаб турибди. Хут шамоли боланинг пешанасига тушиб турган майин сочларини сийпалайди.

— Хут яхши келса қозон-қозон сут, барака-қут. Ёмон келса таррайган қурт, дейдилар. Хут яхши келяпти Баҳодирвой, далалар уйғоняпти.

Бола энгашиб бир тутам ўтни юлиб олди. Майса томирига нам тупроқ илашиб чиқди. Ундан баҳор ҳиди анқиб турарди. Қулмурот ўғлининг бошини меҳр билан силади. Хаёлига 41-йил, елкасига юк халтаси осган отаси, чанг йўлга тикилган муштипар онаси келди. Томоғига бир нарса тиқилди: «Отам йигирма етти йилдан буён шу нам тупроқда ётибди. Шу тупроқ деб жон берган. Менинг ёшим ҳозир уникидан ошиб кетибди...».

— Ана шу қўлингдаги тупроқ, мана шу далалар бобонгдан бизларга қолган, бизлардан сенларга қоладиган катта мерос, ўғлим.

Самар НУРОВ,
Термиз райони.

Пойтахтимиз меҳмонлари

ТАТАРИСТОН ТАРОНАЛАРИ

Тошкентлик томошабинлар шу кунларда Я. М. Свердлов номли концерт залида татаристонлик санъаткорлар ижросида ажойиб концерт томошаларини кўриб, ҳордиқ чиқардилар. Татаристон булбули, Татаристон Автоном республикасида хизмат кўрсатган артистка Альфия Авзалованинг тиниқ, ширали овози, истеъдодли хонанда Булат Балтановнинг чиқишлари, талантли раққос Анвар Латиповнинг гўзал рақслари пойтахтимиз санъатсеварларининг кўнглини хушнуд этди.

Альфия Авзалова ижро этган татар халқ ашулалари, замонавий қўшиқлар, айниқса, «Татаристондан салом», «Биринчи муҳаббат», «Гулжамол», «Солдат қўшиғи», «Билакузук» қўшиқлари дилрабо ва нафисдир. Альфияхонимнинг ижодий репертуарида ўзбекча «Ёр-ёр» қўшиғи алоҳида ўрин эгаллаган. Бу қўшиқ ижро этилиши билан залда олқиш янграйди. У қўшиқни ўзига хос лирик оҳангда, нафис куйлайди.

Татаристон Автоном республикасида хизмат кўрсатган артист, моҳир раққос Анвар Латипов ижросидаги «Чавандоз», «Овчи», ҳиндча «Наго» ўйинлари ҳам концертга кўрк, руҳ ва жозиба бахш этди.

Р. Калимуллин, К. Гибадуллин, И. Заббаровлардан иборат чолғучилар ҳар бир куйни катта завқ ва маҳорат билан ижро этади.

Татаристон Давлат филармониясининг концерт бригадаси шу кунга қадар куёшли республикамизнинг кўпгина шаҳар ва районларида бўлиб, концертлар берди. Тошкентдаги концертлар ҳам зўр муваффақият билан ўтди.

И. ЗАБИРОВ.

РАСМЛАРДА: (чапдан) Дамир Набиуллин, Альфия Авзалова ва Булат Балтановлар.

Н. Меламед чизган расмлар.

ОРЖОНИКИДЗЕ районидаги «Коммунист» колхозининг механизаторлари техника ремонтини тугаллашди. Улар 35 та чопиқ трактори ва бошқа техника воситаларини кўклам экишига тахт қилиб қўйишди. Суратда: ремонтчи-механизаторлар (чапдан) Қ. Насимов, Й. Аъзамов, колхоз инженери А. Юнусов ва Ж. Тошпўлатовлар ремонтнинг сифати ҳақида ўзаро суҳбатлашмоқдалар.

Ф. Лутфуллаев фотоси.

ПЛАНЕТАМИЗДА

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

ГДР

Германия Демократик Республикасида 22 мартда бўладиган маҳаллий халқ вакилларига сайловга актив тайёргарлик кўрилмоқда. Сайловчилар билан бўлган йиғилишларда маҳаллий вакилларнинг 200 мингга яқин депутатлари ўз фаолиятлари ҳақида ҳисоб бермоқдалар. Бу йиғилишлар Германия Бирлашган социалистик партияси теваракгига жипслашган халқнинг маънавий-сиёсий бирлигини яна бир марта намойиш қилди. Ленин юбилейини ва немис халқининг фашизмдаи озод бўлганлигининг 25 йиллигини муносиб кутиб олишга ҳаракат қилаётган, СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар билан дўстликни мустаҳкамлашга тинмай курашиб келаётган халқнинг бирлигини намойиш қилди.

БОЛГАРИЯ

Машинасозлик маҳсулотларининг айрим турларини экспорт қилишдан ташқари Болгария турли мамлакатларга комплект ускуналар, бутун-бутун заводлар ва технологик линиялар етказиб бериб туради.

«Техноэкспорт» ташқи савдо корхонаси сўнгги олти йил мобайнида 20 дан ортиқ мамлакатга қарийб 260 завод ва установкалар етказиб берди ва уларни фойдаланишга топширди. Болгария Бирлашган Араб Республикасидаги темирнинг бошқа металлар билан қориштирадиган завод қуриб, уни ишга тушириб берди. Суриядa Болгария ёрдамида 13 та холодильник-омбор қурилмоқда, кон ва фосфат-бойитиш фабрикаси қурилмоқда. Болгария мутахассислари Куба, Монголия, Ҳиндистон, Индонезия, Вьетнам Демократик Республикаси, Ироқ, Югославия, Сомали, Суданда ва бошқа мамлакатларда бир қанча заводлар ҳамда бошқа объектларни қуриб битказдилар.

МХР

Профессионал-техника билим юртлари ҳозирги кунда Монголияда халқ хўжалигининг ҳамма соҳалари учун малакали ишчилар етказиб беришда энг йирик билим ўчоғи бўлиб қолди.

Дастлабки профессионал-техника билим юрти ташкил этилганидан буён 6 йил ўтди. Бироқ ана шу қисқа муддат ичида мамлакатда бир қанча билим юртлари ташкил этилдики, буларда ҳозир 12 минг киши таълим олмоқда. Ана шу ўқувчилар турли-туман касб эгаларн бўлиб чиқадилар. (ТАСС).

ИЛЬИЧ ОВОЗИ

Швецияда Ленин кунлари В. И. Ленининг грампластинкасига ёзилган «Совет ҳокимияти нима?» деган нутқи билан бошланди. Ленин кунларини ўтказиш программасига В. И. Ленин ҳақида кўргазмалар, лекция ва докладлар, совет кино фильмлари намойиши ҳамда бадиий ҳаваскорларнинг концерти киритилган. Ленин кунларининг очилишида ССРРнинг Швециядаги элчиси В. Ф. Мальцевнинг жаҳон пролетариати доҳийсининг ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги доклади тингланди.

Стокгольм шаҳар маслаҳатчиси Вильгельм Форсберг Владимир Ильичнинг Швециядаги ҳаёти тўғрисида гапира туриб, Ленин швед социал-демократик ишчилар ҳаракатида кўпгина дўстлар топди, деб таъкидлади. Улар Ленин эмиграцияда бўлган пайтида доҳийга қўлдан келгунича ёрдам лашдилар. Шунинг учун ҳам Ленин темаси Скандинавия мамлакатларидаги ишчилар ҳаракатига жуда яқиндир.

Шу кунларда «Швеция—СССР» жамияти уюштирган Ленин темасидаги мунозаралар қизғин боряпти. Мунозараларда швед ишчилар ҳаракатининг ветеранлари ва В. И. Ленининг марксизм тараққиётига қўшган ижодий ҳиссаси билан қизиқувчи ёшлар қатнашмоқдалар. Стокгольмдаги ўтган йиғилишлардан бирида сўзга чиққан машҳур швед публицисти Хилдинг Хагберг, ленинизм бугунги марксизмдир, дея таъкидлаб ўтди.

Стокгольм, Гетеборг, Норрчёпинг, кейин эса бошқа шаҳарлар — Швецияда ўтаётган Ленин кунларининг эстафетаси ана шундай. Бу кунлар доҳийнинг 100 йиллик юбилейигача давом этади.

Б. МЕТЕЛКИН,
АПН махсус мухбири.

Германия Демократик Республикаси. Дрезден шаҳрида уй-жой қурилиши авж олиб кетди. Янги замонавий бинолар шаҳар ҳуснига ҳусн қўшмоқда. Суратда: Дрезденнинг бугунги қиёфаси.
В. Кошевой фотоси, (ТАСС).

ШТРАУСНИНГ ХАТАРЛИ РЕЖАЛАРИ

БОННН. ТАСС мухбири В. Серов хабар беради:

Кейинги вақтларда Германия Федератив Республикасининг бир қанча шаҳарларида «христиан социал союз дўстларининг тўгараклари» деб аталган тўгараклар пайдо бўлди. Бундай тўгараклар Гамбургда, Штутгартда, Кельнда тузилди. Бу ташкилотлар йирик капитал партияси-христиан демократик союзнинг Баварияdаги филиали бўлмиш христиан социал союз партияси ва аввало шу партия раҳбари, собиқ молия министри Штраусниng сиёсати ва ғояларини Бавария ўлкасидан ҳам ташқарида тарғиб қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Штраус тарафдорлари «эркинлик шароитида Германияни қайта бирлаштириш» даъвати билан майдонга чиқиб, бу шиорни ГДРдаги социалистик тузумни тугатиб, уни Ғарбий Германияга қўшиб юбориш, деган маънода тушунмоқда. Улар иккинчи жаҳон уруши якунларини ва Европадаги реал аҳволни эътироф этишга қатъиян қарши чиқмоқдалар.

Шу нарса диққатга сазовордирки, ўзларининг фашистик қарашларини яширмаётган шахслар «ХСС дўстларининг тўгараклари»ни тузиш ташаббускорлари бўлмоқдалар. Ана шуларнинг бири, Кельн университетининг профессори Рубин Гитлернинг собиқ ўринбосари, Нюренберг халқаро трибуналининг ҳукмига бинoан умрбод қамоқ жазосини ўтаётган Рудольф Гессни озод этиш учун актив ҳаракат қилмоқда.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ПАРИЖ. Лотарингиянинг темир руда конларида ишловчи шахтёрларнинг сони кун сайин камайиб бормоқда. Бу ерда эълон қилинган маълумотларга кўра, 1963 йилда конда 21.000 киши ишлар эди, ҳозир уларнинг сони 9000 га тушиб қолди. Яна беш йил ичида 2000 шахтёрни ишдан ҳайдаш мўлжалланган.

САН-ХОСЕ. Никарагуадан хабар беришларича, бу мамлакатдаги сиёсий маҳбуслар жуда оғир шароитда сақланмоқда. Ўтқинлар ҳар куни мисли кўрилмаган қийноқ ва азобларга дучор қилинмоқда.

БОНН. Инфляциянинг кучайиши туфайли ГФРда нарх-наво ошиб бормоқда. Ғарбий Германия статистика идорасининг маълумотига қараганда ўтган январнинг ўзидаёқ саноатда нарх-наво 1,4 процентга кўтарилган. Нархнинг бу қадар тез ўсиши Ғарбий Германияда 20 йил ичида кўрилмаган эди.

ЛИМА. Футбол бўйича СССР терма командаси Перу командаси билан бўлган ўртоқлик учрашувида 2:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

(ТАСС).

Занзибар, Шарқий Африка соҳилига жойлашган бу орол Танзания Бирлашган Республикаси составига киради. Орол аҳолиси мустақилликка эришилган кундан бошлаб ўтган олти йил давомида улкан ютуқларни қўлга киритишди. Бутун ер деҳқонларга бўлиб берилди, бепул медицина хизмати амалга оширилиб, йирик хусусий корхоналар миллийлаштирилди. Суратда: ороллнинг ҳарбий қисмларидан бири машқ пайтида.
И. Жирквелов фотоси. (ТАСС).

АГРЕССОР ЖИЛОВЛАБ ҚЎЙИЛСИН

НЬЮ-ЙОРК. 23 февраль. (ТАСС). Исроил авиацияси 12 февралда Қоҳира яқинидаги металлургия заводига ҳужум қилганлиги натижасида саксондан ортиқ ишчи ўлдирилиб, юзга яқин ишчи яралор бўлган эди. Шу муносабат билан Бирлашган Араб Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги вакили БМТ Бош секретари У Танга мактуб йўллади.

ШОҲИДНИНГ АЙТГАНЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК. Пентагон ҳарбийларининг Жанубий Вьетнамдаги Сонгми қишлоғи тинч аҳолисидан 1968 йил мартида шафқатсизларча қонли ўч олганлигини ўз кўзи билан кўрган яна бир шоҳид фош қилиб ташлади.

Шу жамоада истиқомат қилган ва тасодифан тирик қолган бир айл-Нго Тхи Де Америка журналистлари билан суҳбатда қуйидагиларни айтди: «Бизнинг қишлоғимиздан илгари ҳам Америка қўшинлари ўтиб турар эди. Тинч-тинчимас болалар ҳар сафар кўчага чопиб чиқишар эди. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Лекин солдатлар ана шу гўдакларга ўт очишди. Кечга яқин мен юзга яқин жасадни санадим. Шулар орасида менинг қизим билан набирам ҳам бор эди. Улар бункерга беркинишга ҳаракат қилишган экан, лекин барибир отиб ўлдиришибди». Бу суҳбат телевидение орқали кўрсатилди.

(ТАСС).

ЖАҲОН БИР ҲАФТА ИЧИДА

ИСРОИЛ ЯНГИ МУСТАМЛАКАЧИЛИК ХИЗМАТИДА

Яқин Шарқ районидаги вазият тобора ҳайжонли тус олмоқда. Империалистик давлатлар, аввало АҚШдан очиқдан-очиқ мадад олаётган Исроил агрессорлари ўт билан хатарли ўйнашишни давом эттириб, Бирлашган Араб Республикасига ва бошқа араб мамлакатларига қарши қабиҳ иғвогарликларни кенгайтиримоқдалар ва кучайтиримоқдалар.

Исроил ҳарбийларининг янги жиноий ҳаракати—Қоҳира яқинидаги Миср металлургия комбинатига қилинган вахшиёна ҳаво ҳужуми бутун дунёда ҳамманинг қаҳр-ғазабини қўзғатди. Қўшма Штатлар Исроилга қўшқўллаб бериб қўйган «Фантом» самолётлари нуқул тинчлик учун керакли маҳсулот чиқараётган завод территориясига ракеталар, напалм бомбалари ва белгиланган вақтда портлайдиган бомбалар ёғдириб, қирғин қилди. Бу қонли жиноят натижасида саксон киши ўлди, юзга яқин киши, жумладан хотинлар ва болалар яраланди.

Заводни бомбардимон қилиш режасини тузганлар шу ҳужум вақтида заводда икки мингга яқин кишилар ишлаб турганлигини билар эдилар. Улар мумкин қадар кўпроқ кишиларни ҳалок қилишни, арабларни гангитиб, кўркитиб, эсанкиратиб қўйишни ўзларига мақсад қилиб олдилар. Лекин агрессорларнинг умиди пуч бўлиб чиқди. Қоҳирадаги «Ал-Аҳром» газетаси бундай деб ёзади: «Исроил тинч аҳолини атайин қиришга қаратилган ва шафқатсизлик билан қилинган бу тажовуз бошқа воситалар билан қўлга киритиш мумкин бўлмаган мақсадни рўёбга чиқазишга ёрдам беради, деб ўйлагач бўлса, янглишади. Аксинча. бу хилдаги ҳаракатлар курашишга бўлган иродамизни тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамлайди».

Башарти қўркиш тўғрисида гапириладиган бўлса. аввало Тель-Авив ҳукмронларининг ўзи ваҳимага тушиб қолди. Бутун прогрессив инсоният уларнинг ёвузликларини яқдиллик билан қоралаётган кейин Тель-Авив ҳукмронлари нима дейишларини билмай ўзларини оқлашга тутундилар, биз учун чиларимизга «Фақат ҳарбий объектларигина бомбардимон қилишни» топширган бўлсак ҳам, аммо улар доврдираб шундай хатога йўл қўйишибди деган ёлғон-яшиқ гапларни баҳона қила бошладилар. Лекин улар мунофиқлик билан ҳар қанча ёлғон гапларни айтсалар ҳам, ўз қўлларидаги қонни ювиб ташлашга ҳар қанча уринсалар ҳам, лекин жавобгарликдан қочиб қутила олмайдилар. «Исроил аггрессорлари жиноятлар қилиш йўлидан қанчалик нари бораверсалар, халқларнинг улар устидан чиқарадиган ҳукми шу қадар оғир бўлаверади. Ҳозирги кунда халқлар Исроил давлатининг янги мустамлакачиликка хизмат қилаётган қурол бўлиб қолганлигини, унинг моҳияти эътибори билан империалистик сиёсат бўлган ташқи сиёсатини ҳақли равишда қораламоқдалар», — дейлади ТАСС баёнотида.

Исроил ва унинг империалист хомийлари томонидан Яқин Шарқда вужудга келтирилган ва портлаш хавфини туғдираётган кескинликни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қарори асосида тинч бартараф қилиш йўли билангина тугатиш мумкин. СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин АҚШ, Англия ва Франциянинг давлат раҳбарларига яқинда юборган мактубларида мана шундай қилиш мутлақо зарур эканлигини яна бир марта уқтириб ўтди. Яқин Шарқда мустаҳкам тинчлик ўрнатиш мақсадларини кўзлаб Совет Иттифоқининг самимият билан ёзган бу мактубларини жаҳон жамоатчилигининг кенг доиралари маъқуллади ва қўллаб-қувватлади.

ЯНА ЭСКИ ЙЎЛ БИЛАН

18 февралда АҚШ президенти Никсон «АҚШнинг 1970-йиллардаги ташқи сиёсати» тўғрисида Америка конгрессига мактуб йўллади. Мактубда Америка ҳукуматининг халқаро майдонда қиладиган иш программаси бирма-бир айтиб берилди. АҚШ «адолатли тинчликка», «музокаралар олиб боришга ва кескинликни юмшатишга» интилмоқда, тинчлик проблемаларига «янгича ёндошмоқда», деган гаплар мактубда жуда кўп такрорланади. Бироқ АҚШ ўзининг империалистик йўлини ҳақиқатан ўзгартириш ниятн борми ёки йўқми эканлиги тўғрисида бу мактубда бирор конструктив фикр айтилмаган.

Никсоннинг айтишига қараганда, АҚШ «биринчи ўринга чиқиб олиш», яъни бошқа мамлакатлар устидан ҳукмронлик қилиш сиёсатидан «шериқчилик қилиш» сиёсатига ўтишни планлаштираётган эмиш. Лекин бу гаплардан. АҚШ «жаҳон жандармн» бўлиш ниятидан воз кечишга бирданига қарор қилибди, деган маъно асло келиб чиқмайди. Гап шундаки, социалистик ҳамдўстлик қуввати тўхтовсиз ўсиб бораётган ва миллий озодлик ҳаракатлари гуркираб ривожланаётган ҳозирги вазиятда Америка империализми АҚШ территориясидан ташқаридаги ерларда энди илгаригидек бемалол хўжайинлик қила олмайдиган бўлиб қолди. Осиё, Африка, ва Латин Америкасида ўзининг позицияларини сақлаб қолишга ва мустаҳкамлашга интилиб. энди у найранглар ишлатяпти. мустамлакачилик зулмининг янги шаклларини ўйлаб чиқаришга мажбур бўлмоқда. АҚШ президенти бултур ёзда эълон қилган «Гуам доктринаси»ёки «Никсон доктринаси» деб аталган план мана шу мақсадни кўзлайди. Мана шу доктринадан келиб чиққан ва «вьетнамлаштириш» деб аталган машъум сиёсат Вьетнамдаги аггрессив урушни АҚШдан ёрдам олиб турган Сайгон қўғирчоқларининг қўли билан давом эттиришни кўзда тутаётганлиги маълум. Никсон конгрессга йўллаган шу мактубида Вьетнамдаги урушни «вьетнамлаштириш» йўлини таъкидлабгина қолмасдан, шу билан бирга «Гуам доктринаси»ни жаҳоннинг бошқа районларига татбиқ қилиш ниятида эканлигини ҳам айтади.

Президент мактубида бошқа масалалар устида ҳам ҳеч бир янгилик айтилмаган. Яқин Шарқда АҚШ Исроилни қўллаб-қувватлаш йўлидан бормоқда: Никсон Тель-Авивга бундан буён ҳам қурол-яроғ бериб туриш планларини амалга ошира бераман, деди. Президентнинг мактубидан маълум бўлишича, АҚШ Европада аггрессив НАТО блокини сақлаб қолиш. мустаҳкамлаш йўлини аввалгидек давом эттирмоқчи. Европа хавфсизлиги масалаларига бағишланган Умумевропа кенгашини чақиришга тўсқинлик қилмоқчи. Американинг ракета. ядро қуролларини кўпайтиришга қаратилган хатарли йўл ҳам сақланиб қолади.

Никсон мактубида бизнинг мамлакатимизга ва бошқа социалистик мамлакатларга қарши айтилган бўхтон гаплар ҳам ҳозирги замоннинг энг муҳим проблемаларини ҳал қилишда Вашингтон бирор «янги йўл» истаётганлигидан далолат бермайди.

Н. ЧИГИРЬ.

СПОРТ ОЛАМИДА

БИРИНЧИ УЧРАШУВ САМАРҚАНДДА

СССР футбол федерацияси мамлакат чемпионатининг ҳар йилдагига нисбатан эртарок 8 мартдан бошланишини ҳисобга олиб, яқинда эълон қилинган ўйинлар календарига баъзи тузатишлар киритди. Жумладан, қуйидаги учрашувлар ўзга майдонларда ўтказиладиган бўлди: ЦСКА—«Шахтёр» учрашуви билан бошланадиган чемпионат байроғи илк бор Москвада эмас. балки Бокуда кўтарилади Шунингдек, 15 мартда Сочида «Динамо» (Киев) — «Спартак» (Оржоникидзе), 21 мартда «Торпедо» (Москва) — «Заря» ва 2 апрелда пойтахтимиз ҳамда оржоникидзелик спартакчилар ўзаро учрашадилар. 21 мартда эса Москва динамочилари ўзларининг биринчи ўйинларини «Черноморец» билан Самарқандда ўтказадиган бўлишди. Бундан ташқари, Грозний ва Фрунзе шаҳарларида 2 апрелда «Зенит»—ЦСКА ҳамда 15 мартда «Заря» билан Минси динамочилари ўзаро куч синашадилар. Куйидаги ўйинларни эълон қилинган календарга қўшиб қўйишингизни тавсия этамиз. 19 сентябрь—«Черноморец» — «Динамо» (К), 20 сентябрь—ЦСКА—СКА,«Зенит» —«Пахтакор», «Спартак» (Ор.) —«Заря».

ИККИНЧИ ГРУППАДА

«А» классининг бу группасига кирувчи командаларнинг ўйинлари Ўрта Осиё ва Қозогистон шаҳарларида апрель ойининг охиридан бошланади. Қуйида Узбекистон командалари иштирокида ўтадиган учрашувларнинг дастлабкиларини келтирамиз: 28 АПРЕЛЬ. «Политотдел» — «Зенит» (Ижевск). «Нефтяник» (Фарғона) — СКА (Чита), «Трэитор» (Тошкент)—«Луч» (Владивосток). 2 МАЙ. «Политотдел» — «Звезда»(Пермь), «Трактор»—СКА, «Нефтяник»—«Селенга» (Улан-Уде). 6 МАЙ. «Политотдел» — «Спартак» (Йошкар-Ола), «Трактор»—«Селенга», «Нефтяник»—«Луч».

УНВОНЛАР МУБОРАК

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Физкультура ва спорт комитетининг спорт турлари федерациялари яқинда бир гурух ёшларга «СССР спорт мастери» унвони берди. Улар орасида ўзбекистонлик моҳир спортчилар ҳам бор. Марҳамат. танишинг: тошкентликлар—А. Қодирохунов («Спартак»), Е. Макаров («Буревестник»)—бокс бўйича, А. Буторский (СКА), Д. Одаев (СКА)—эркин кураш бўйича, А. Венгерский (СКА)—классик кураш бўйича, В. Чичков (СКА)—марган, В. Барченков («Буревестник»), В. Еременко («Меҳнат») —қўл тўпи бўйича, Р. Миносянц («Динамо») —замонавий беш кураш бўйича, В. Коданцев («Буревестник») — қиличбозлик бўйича ва А. Москвин («Динамо»)—городки спорти бўйича, шунингдек, фарғоналик Р. Иброҳимов («Спартак») — классик кураш бўйича ва самарқандлик Г. Павкин («Спартак») мерганлик спорти бўйича СССР спорт мастери бўлдилар.

КУРАШ ДАВОМ ЭТАДИ

Тошкент Офицерлар уйи спорт залида ўтказилган волейбол мусобақалари якунланди. Тўрт кун давом этган курашда «А» классининг иккинчи группасига кирувчи 16 эркаклар командаси келаси йил биринчи группага ўтиш учун ўзаро куч синашдилар. Биринчи тур мусобақалари Бобуйски шаҳрида ўтказилган эди. Бунда тошкентликлар айтарли натижаларга эришмаганлар. Иккинчи тур мусобақалари ўзбек волейболчиларининг маҳоратлари ошиб боранётганлигини кўрсатди. Энди улар Симферополь шаҳрида ўтказиладиган учинчи турда курашни давом эттирадилар.

Редактор ўринбосари
Х. ЕДГОРОВ.

РАДИО БУГУН

6.15 — Тонгги концерт. 8.25 — Миртемир шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар, 9.30 — С. Юдаков. «Ленин хотираси» поэмаси. 10.10 — Белорус куйлари. 10.30 — М. Ашрафий. «Севги тумори» балетидан парчалар. 11.15 — «Институт ва лабораторияларда», 11.30 — Концерт. 13.30 — Куйлардан-куйларга. 15.15 — «Замондошларимиз». Адабий эшиттириш (русча). 15.30 — Ёшлар ижоди. 16.10 — «Ўзбекистон композиторлари асарларида ёшлар ва комсомоллар образи» деган эшиттириш. 16.50 — «Правда» газетасининг обзори. 18.00 — «Қишлоқдаги ўқиш» (русча). 18.10 — Р. Ҳамроев. Фортепьяно ва оркестр учун концерт-поэма. 18.40 — Спорт эшиттириши. 19.30 — «Нодир ёзувлар». Ўзбекистон ССР халқ артистлари Назира Аҳмедова ва Бобораҳим Мирзаев. 20.00 — «Ёшлик» радиостанциясининг программаси. 21.00 — Халқаро темаларда суҳбат. 21.10 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.20 — Ўзбекистон композиторларининг романслари. 22.40 — «Севимли ёзувчилар радиокутубхонаси». Усмон Носир шеърлари. 23.15 — Муқимий лирикаси.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — **Тошкент кўрсатади.** **Рус тилида:** 18.00 — Телеянгиликлар. 18.15 — Телефильм. 18.30 — Олмалиқ рух заводи — умумхалқ қурилиши. 18.50 — «Актёрлар ва роллар». Тўғон Режаматов.

Ўзбек тилида: 20.00 — Телеянгиликлар. 20.15 — «Шарқ юлдузи» журнали саҳифаларида. 20.45 — КИНОЛЕНИННОМА. 21.50 — **«Биринчи қиз»** (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — **Тошкент. Ўқув кўрсатувлари. 20.00 — Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — **Тошкент кўрсатувлари.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 24/II да **Русалка**, 25/II да **Спартак**, 26/II да **Чио-чио-сан** 27/II да **Оқ куш кўли.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/II да **Олтинчи июль**, 25/II да **Олтинчи июль**, 27/II да **Парвона.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 25/II да **Қайнона**, 26/IIда **Тошболта ошиқ**, 27/II да **Ажаб савдолар**, 28/II да **Паранжи сирлари.**

КИНО

Қирқ биринчи йил олмалари — «ЧАЙКА». «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ». «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун). САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11 ва кеч 9 да).

Усмирлар (2 серия) — «ЎЗБЕКИСТОН». «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ». «ДРУЖБА». «ВОСТОК». (кундуз ва кечқурун). САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 1, 5, кеч 6 яримда).

Қашқир наъраси — «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Антика кўргазма (эрталаб соат 10, кундуз 2, кеч 6 ва 9.40 минутда). **Виннету — аппачлар сардори** (кундуз соат 12, 4 ва кеч 8 да). — «МОСКВА».

«Главташкентстрой»
«СТРОЙМЕХАНИЗАЦИЯ»
ТРЕСТИНИНГ 5 МЕХАНИЗАЦИЯ БОШҚАРМАСИ
4, 5 бошқармаларнинг бирлашиши сабабли
ТУГАТИЛГАН

Даъволар — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

«Совет Ўзбекистони» газета редакцияси коллективи редакциянинг собиқ ходими Ҳайрия Баҳодиршоевага синглиси
Баяна ДАШКОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан унга чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиуми, бўлимлари, илмий муассасалар дирекцияси, партия ва касаба союз ташкилотлари Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ишлар бошқарувчиси М. М. Махамовга онаси
Сидиқа
ТОШМУҲАМЕДОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги адабиёт музейи маъмурияти, партия ташкилоти ва маҳаллий комитети кекса илмий ходим. адабиётшунос
Қосим
БОБОЕВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оиласига таъзия изҳор этади.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 26. Редактор — 336545. Редактор ўринбосарлари — 337914, 339323. Масъул секретарь — 334455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283. Партия турмуши — 333469. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455. Халқаро ҳаёт —331216, Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334760. Совет қурилиши — 333256. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036, 337221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 332347 Оммавий ишлар ва хатлар — 338679, 333553. Иллюстрация — 334524. Стенографистка — 337343. Корректура — 337182. Эълонлар — 338142. Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ. Андижон — 48—65. Бухоро 3—31—42. Қарши —38—42. Нукус —42—62. Самарқанд 31—972. Термиз 23—27. Урганч 34—55. Гулистон —22—09.

№ Г. — 45. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Р. 02279.